



№21 (874)

2025 йил 18 март,
сешанба

O'ZBEKISTON

BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

“

Президент қарори
билан Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги
хузурида “Иссиқлик-
таъминоти” АЖ
ташкил этилади
ҳамда вазирликка
иссиқлик
таъминоти
соҳасида ягона
давлат сиёсатини
юретишни
юкланади.
Келгусида
марказлашган
иссиқлик
таъминоти
қамрови 37 фоиздан
58 фоизгача
етказилади.

Фуқароларнинг
даромадларини
ошириш бўйича
янги тадбирлар
белгиланди

3

Ў.А.

КОММУНАЛ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАЛАРИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 17 март куни ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти, маҳаллалар ободлиги ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ масалалар бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказди.

Аҳолининг ҳаёт сифатида муҳим бўлган бундай ишлар қамрови кенгайиб бормоқда. Бу йил 1 минг 619 километр ичимлик суви, 521 километр оқова сув тармоқларини тортиш, тизимдаги 162 та иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш режалаштирилган. Буларнинг натижасида 715 минг аҳолига илк бор тоза ичимлик суви етиб боради, 135 минг хонадон оқова тармоғига уланади, 157 минг истеъмолчига замонавий ҳисоблагич ўрнатилади.

Яқинда давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи доирасида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ичимлик суви бўйича 340 миллион евролик 3 та лойиҳа келишилди. Жумладан, Франциянинг “Suez” компанияси Денов, Шўрчи, Сарисоё ва Қумқўрғондаги ичимлик суви таъминотини хусусий бошқарувга олаётти. Натижада вилоятда марказлашган ичимлик суви қамрови 90 фоизга етиши кутилмоқда.

Оқова тармоғи мавжудлиги қурилиш, саноат ва хизматлар ривожини учун муҳим омил. Уни кенгайтириш учун бюджетдан ҳар йили триллионлаб маблағ сарфланмоқда. Лекин фақат шунга қараб қолмасдан, соҳага хусусий секторни кенгрок жалб қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Масалан, маҳаллий тадбиркор Осиё тараққиёт банки ишғирокда Олмаоқ, Бекобод, Ангрен ва Чирчиқ шаҳрида оқова сув тозалаш иншоотларини қураётти. Яна бир тадбиркор Андижондаги иккита туманда сув ва оқова хизматларини хусусий бошқарувга олиш ташаббуси билан чиққан.

Шу каби хусусий шериклик лойиҳаларини қўпайтириш, йирик корхоналаримизнинг халқаро тендерларда қатнашиш имконини кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш жараёнини содда-лаштириш бўйича қарор қабул қилинди. Энди тендерларни тезлаштириб, йил якунигача 850 миллион долларлик ишларни бажариши топшириғи берилди.

Яна бир муҳим вазифа – соҳани рақамлаштириш. Бунинг учун Осиё тараққиёт банкидан 125 миллион доллар жалб қилиниши белгиланган. Беш йилда йирик сув иншооти ва магистрал қувурларга 4 минг 800 та “ақли” ҳисоблагич, 2 минг 800 та телеметрия тизими ўрнатиш кўзда тутилган.

Бу электротехника саноати учун катта бозор экани қайд этилиб, ҳисоблагич ишлаб чиқаришни қўпайтириш, уларга хизмат кўрсатишни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш бўйича кўрсатма берилди.

Иссиқлик таъминоти табиий газ энг қўп сарфланадиган соҳалардан бири. Шу боис 11 март куни бу соҳани тубдан ислоҳ қилиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, “Иссиқлик таъминоти” компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардаги 23 та корхона унинг таркибига ўтказилди. Кейинги беш йилда иссиқлик тизимларини тиклаш учун 19 триллион сўм йўналтирилади. Марказлашган ис-

сиқлик таъминоти қамрови 37 фоиздан 58 фоизга етади.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига қўп қаватли уйлар ҳамда ижтимоий муассасаларда энергия самарадорлигини ошириш бўйича топшириқ берилди. Қайд этилганидек, 9 мингта уй-жой ва бинолар ёпиқ иситиш тизимига ўтказилади. Натижада иссиқлик йўқотилиши 2 баробар, газ истеъмоли 20 фоизга камаяди.

Йиғилишда баҳорги экиш тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳокимликлар захирасида турган ерларни ажратишнинг содда-лаштириш чоралари белгиланди.

Энди қишлоқ ерларини аукционда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш бекор қилинади. Аукционда сотилмаган ернинг қиймати кейинги савдоларда кунига 10 фоиздан пасайтирилади. Такрорий аукционда битта иштирокчи қатнашса ҳам, ғолиб ҳисобланади. Ернинг 10-20 фоизи чорва учун озука экишга чиқарилади.

Хозирда 93 мингдан зиёд фермерлар фаолияти тадбиркорлик рейтингини орқали баҳоланаяпти. Энди бу рейтинг ҳосилдорлик, ишчи сони, маҳсулот ҳажми каби мезонлар бўйича алоҳида бўлиши маълум қилинди.

Юқори рейтингдаги фермерларга кредитни қайтмаслик хавфини суғурталаш талаби бекор бўлади. Ер солиғи 3 баробар, фермерлар кенгашига тўланадиган бадал 2 қарра камайтирилади. Пахта ва ғаллада меъёрдан қўп ҳосил олганларга 25 фоиз-

гача ерида чорва озукаси, сабзавот, дуккакли ва бошқа экинларни алмашлаб экишга рухсат берилади.

Президент фармойиши билан эълон қилинган долзарб бир ойлик доирасида маҳаллаларда олиб борилаётган деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ахборот берилди.

Баҳорда 125 миллион туп қўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, суғоришни яхшилаш муҳим экани таъкидланди. Жумладан, сув таъминоти оғир маҳаллаларда геомембрана қопламали ховузлар барпо этилади.

Ўтган йили тажриба тарзида 208 та маҳаллада “маҳалла-сервис” компаниялари ташкил қилиниб, аҳолига 23 турдаги хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган эди. Энди бу тизим кенгайтирилиб, яна мингта шундай компания тузилади. Хизматлар тури ҳам камида 30 тага етказилади. Хитой тажрибаси асосида 5 минг киши маҳаллага хизмат кўрсатиш бўйича ўқитилади ва 15 минг аҳолининг бандлиги таъминланади.

Бу йилдан 208 та туман ва шаҳар ободонлаштириш бўлимлари таркибиде ички йўлларни сақлаш участкалари ташкил қилинди. Уларга қўшимча 5 турдаги махсус техника сотиб олиш учун 700 миллиард сўм ажратилди. Мутасаддиларга ички йўлларни таъмирлаш, маҳаллаларда энергия таъминотини яхшилаш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар ва ҳокимларнинг ахбороти эшитилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

УЙ-ЖОЙ ҲАМДА БИНО-ИНШООТЛАРНИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ҲАМДА БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда аҳоли хонадонлари, ижтимоий соҳа объектлари ва тадбиркорлик субъектларини **иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш**, иссиқлик таъминоти соҳасини **ислоҳ қилиш**, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда **биноларда энергия йўқотишларини камайтириш** бўйича “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириладиган асосий вазифаларни белгилаш мақсадида қарор қиламан:

1. Асосий йўналишлар ва мақсадлар

1. Уй-жой ва бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини оширишнинг **келгуси 5 йилдаги** асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

- соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш, илғор хорижий тажрибалар асосида **стратегик таклифларни** ишлаб чиқиш, иссиқлик таъминоти корхоналари фаолиятини бошқарувчи ва мувофиқлаштирувчи **ташкилот ташкил этиш** ҳамда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш;
- марказлашган иссиқлик тизимларидаги эскирган **103 та қозонхона** ва **1,6 минг километр** иссиқлик тармоғини, шу жумладан, 2025-2026 йилларда **18 та** қозонхона ва **258 километр** иссиқлик тармоғини янгилаш;
- давлат-хусусий шериклик асосида 9 та (шундан 2 та лойиҳа 2025-2026 йилларда бошланади), халқаро молия институтлари иштирокида **13 та шаҳар ва туманда** модернизация лойиҳаларини амалга ошириш (шундан 5 та шаҳар ва туманда 2025-2026 йилларда бошланади);
- марказлашган иссиқлик таъминоти қамрови 37 фоиздан **58 фоизгача етказиш**, тизимдаги **йўқотишларни** 38 фоиздан **20 фоизгача** қисқарттириш;

- кўп квартирали уй-жойлар ва ижтимоий соҳа муассасаларига **8 681 та** индивидуал иссиқлик пунктини ўрнатиш (2025 йилда 480 та), марказлашган иссиқлик таъминотини **ёпиқ тизимга ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;
- марказлашган иссиқлик таъминотида уланмаган тўрт ва ундан юқори қаватли кўп квартирали уй-жойларнинг иситиш тизимида **локал қозонхоналар қуриш ва бошқа муқобил технологияларни** жорий этиш ҳисобига бир хонадоннинг **газга бўлган талабини камида 20 фоизга камайтириш**;
- якка тартибдаги ва кўп квартирали уй-жойлар, ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасалари, саноат ва хусусий сектор **бино-иншоотларининг энергия самарадорлигини ошириш** мақсадида **тажриба-синов лойиҳаларини бошлаш**;
- ижтимоий соҳа, саноат ва хусусий секторлар бино-иншоотларини янгидан қуриш ҳамда реконструкция қилишни лойиҳалаштириш бўйича **техник шартларда** қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари ва муқобил иссиқлик тизимлари ускуналарини ўрнатиш талабини қиритиш;
- табиий газ истеъмоли юқори бўлган аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасаларида энергия самарадор ва замонавий ускуналар (газ горелкали қурилмалар) ўрнатишни рағбатлантириш;
- хусусий сектор иштирокида иссиқлик таъминоти ва бошқа соҳаларда энергосервис хизматларини кўрсатиш ҳамда энергия тежамкорликни оширишда **янги бозорни шакллантириш**, ихтисослашган энергия хизматлари компаниялари бозори (ЭСКО) механизмлари ва инновацион молия воситалари орқали энергия самарадорлигини ошириш **лоийҳаларини мувофиқлаштирувчи ташкилот тузиш**.

▶ 2-бет



Массивларда иш қизғин

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Инсоннинг энг катта орзуларидан бири бу уй-жойли бўлиш, у ерда фарзандлари, яқинлари билан бахтли ҳаёт кечиришдир.

Юртимизда аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса йиллар давомида ижарама-ижара юрган, ҳаловат нима эканини билмаган одамлар учун чинакам бахтдир. Юртимизда бошланган янги ислохотлар тўлқини ҳар бир фуқаронинг ҳаётида ўз аксини кўрсатмоқда, дея бугун бемалол айта оламиз. Бу борада юртимизнинг олис ва чекка ҳудудларида аҳолининг муносиб турмуш шароитида яшаш учун қад ростилаётган, ўзига хос меъморий қиёфада барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари қай даража эканлигидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида Булунғур тумани Ёўбдин массиви “Олмазор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш кўзда тутилган. Бош режага асосан, бу ерда 56 та 5 қаватли 20 ва 25 хонадонли жами 1204 хонадонли уй-жойлар қурилиши белгиланган. Шунингдек, 2 та 990 ўринли мактаб, 3 та ДМТТ, маҳалла биноси, оилавий поликлинника, маданият уйи, кутубхона, масжид, спорт майдончалари, савдо марказлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам қад ростламоқда.

Дарвоқе, мазкур хонадонлар аҳолига субсидия ва ипотека кредитлари асосида узок йилга берилаётгани эса халқимиз учун яна бир имкониятдир. Аҳоли, айниқса, ёш оилалар учун бу қулайлик жуда асқатаяпти. Ушбу янги массивдаги хонадонларда бир оиланинг бахтли ва фаровон яшаш учун барча шароитлар яратилган. Инсонлар фаровонлигини таъминлаш, уларнинг турмушини янада яхшилаш йўлида берилаётган имтиёзлар боис минг-

лаб ёшлар, оилалар ўз ошенига эга бўлиб, бахтли ҳаёт кечирмоқда.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қиламиз. Биргина, Булунғур туманида 2019 йилда 2 та кўп қаватли, 48 та хонадон, 2020 йилда 1 та кўп қаватли уй 24 та хонадон, 2021 йилда 100 та хонадондан иборат 5 та кўп қаватли уй, 2022 йилда 40 та хонадондан иборат 2 та кўп қаватли уй, 2023 йилда 280 та хонадондан иборат 12 та кўп қаватли уй қурилган. 2024 йилда эса 432 та хонадондан иборат 20 та кўп қаватли уй бунёд этилгани бу рақамларнинг йил сайин қай даражада ошиб бораётганига яққол мисолдир.

Шунингдек, Ўرғут туманидаги Мерганча массивида ҳам “Янги Ўзбекистон” массиви жадаллик билан барпо этилаётгани эътиборга сазовор.

Аҳамиятли томони шундаки, “Янги Ўзбекистон” массивлари аввалдан турар жой ёки бошқа объектлар бўлган жойларда эмас, очик майдонларда, бутунлай янгидан, замонавий лойиҳалар асосида қурилмоқда. Уларда марказлашган ичимлик суви, оқова сув тармоқлари ва бошқа зарур коммуникация тизимлари ҳам мавжуд.

Бир сўз билан айтганда, номига мос кўркам турар жойлар бунёд этилиб, халқимизга топширилмоқда.

УЙ-ЖОЙ ҲАМДА БИНО-ИНШООТЛАРНИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ СОҲАСИНИ ТУБДАН ИСЛОҲ ҚИЛИШ ҲАМДА БИНОЛАРНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлигининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

(а) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузурида **“Иссиқликтаъминоти”** акциядорлик жамиятини (кейинги ўринларда – Жамият) ташкил этиш, **Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига** иссиқлик таъминоти соҳасида ягона **давлат сиёсатини юритишни юклаш**;

(б) иссиқлик таъминоти тизимларида икки турдаги энергия ишлаб чиқаришни назарда тутувчи **когенерация технологияларини жорий** этиш лойиҳаларини Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва Энергетика вазирлиги томонидан **биргаликда ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш**;

(в) Жамият устав капиталини 23 та хўжалик жамиятлари ва корхоналар устав капитали ҳисобига шакллантириш ҳамда ушбу хўжалик жамиятлари ва корхоналарни **масъулияти чекланган жамиятлар** сифатида қайта ташкил этиш;

(г) **Иқтисодиёт ва молия вазирлигига** Жамиятнинг устав капиталидagi давлат акция пакетлари бўйича **акциядор ҳуқуқини** амалга оширишни **юклаш**.

3. **Масъулияти чекланган жамиятлар сифатида** қайта ташкил этиладиган, устав капитали “Иссиқликтаъминоти” АЖ уставиға ўтказиладиган хўжалик жамиятлари ва корхоналар рўйхати ҳамда уларни қайта ташкил этиш тартиби **1-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

II. **Асосий чора-тадбирлар ҳамда ишлаб чиқиладиган дастурлар**

4. **Кўп квартиралли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ҳамда давлат муассасаларини** 2025-2030 йилларда марказлашган иссиқлик таъминоти билан **қамраб олиш даражасини ошириш** мақсадида қуйидагилар:

(а) Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида амалга ошириладиган лойиҳаларнинг йиғма параметрлари **2-иловаға** мувофиқ;

(б) **Давлат-хусусий шериклик** асосида амалга ошириладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати **3-иловаға** мувофиқ. Бунда **жорий йилда Нукус ва Бухоро шаҳарлари** иссиқлик таъминоти тизимларида бир вақтнинг ўзида икки турдаги энергия ишлаб чиқаришнн назарда тутувчи **когенерация технологияларини жорий этиш** бўйича лойиҳаларни бошлаш чораларини кўриш;

(в) Халқаро молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган **янги истиқболли лойиҳалар рўйхати 4-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Марказий банк, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қуйидаги **тажриба-синов лойиҳаларини бошласин**:

(а) **Чиноз ва Олтиариқ** туманларида бюджет маблағлари ҳисобидан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (иссиқлик насослари, қуёш панеллари) ҳамда ресурс тежамкор ускуналардан фойдаланган ҳолда **тўрт қаватли уй-жойларни иссиқлик энергияси билан барқарор** таъминлаш, ушбу уйлارнинг **энергия самарадорлигини ошириш учун уларнинг иссиқлик изоляцияси бўйича** лойиҳалар;

(б) **“Яшил” имтиёзли кредитлар ҳисобидан ҳар бир вилоятда 100 тадан якка тартибдаги уй-жойларда** энергия йўқотишларни камайитириш учун уларнинг ташки ва том қисмининг иссиқлик изоляцияси, энергия тежамкор ойна ва эшик ромларини ўрнатиш, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари (**қуёш панеллари ва гелиоколлекторлар**) ҳамда энергия тежовчи ускуналарни ўрнатиш лойиҳалари;

(в) **Бухоро вилоятидаги** ижтимоий соҳа муассасаларининг **қониқарсиз ва таъмирталаб биноларида энергия йўқотишларни камайтириш** учун уларнинг ташки ва том қисминини иссиқлик сакловчи материаллар билан қоплаш, энергия тежамкор ойна ва эшик ромларини ўрнатиш, **қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари** (қуёш панеллари ва шу кабилар), **муқобил иссиқлик тизимлари** (гелиоколлекторлар, иссиқлик насослари, фанкойл тизими ва шу кабилар) ҳамда **энергия тежовчи ускуналарни** ўрнатиш лойиҳалари;

(г) Бухоро вилоятга тажрибаси асосида **ҳар бир ҳудудда тўрттадан** ижтимоий соҳа ва давлат муассасаси объектиларида (мактабгача таълим, мактаб, тиббиёт, давлат идораси) энергия самарадор лойиҳалар;

(д) республикада жойлашган **барча давлат мактабгача таълим муассасаларини** тўлиқ **гелиоколлекторлар** билан жиҳозлаш лойиҳалари. Бунда Вазирлар Маҳкамаси ушбу тажриба-синов лойиҳалари **бир ой муддатда бошланишини ташкил этсин**.

6. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда **жорий йил 1 июлга қадар** кўп квартиралли уй-жойларнинг **фасад ва том қисминини иссиқлик сакловчи материаллар билан қоплаш, кириш йўлакларида энергия тежамкор ойна ромлари ўрнатилишини** назарда тутувчи 2026-2030 йилларда **кўп квартиралли уй-жойларнинг** энергия самарадорлигини оширишга қаратилган **давлат дастурини ишлаб чиқиб Вазирлар Маҳкамасига киритсин**.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бир ой муддатда “Ўзбекистон бинолари учун тоза энергия” (CEBU) лойиҳаси доирасида ижтимоий соҳа муассасаларида **энергия самарадорлигини ошириш**, уларда **қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, муқобил иссиқлик тизимлари ҳамда энергия тежовчи ускуналарни** ўрнатиш лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан Жаҳон банки билан музокараларни бошласин.

III. Молиявий ресурслар

8. Иқтисодиёт ва молия вазири (Ж. А. Қўчқоров) 2025 йилда:

(а) мазкур қарорға 4-иловада кўрсатилган лойиҳаларни бошлаш учун халқаро молия институтларидан **68 миллион АҚШ доллари** жалб қилсин;

(б) Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **320 миллиард сўм** ажратсин;

(в) Давлат бюджетидан иссиқлик таъминоти тизимини **ёпиқ тизимга ўтказиш** чора-тадбирлари учун **50 миллиард сўм**, мазкур қарорға 4-иловада кўрсатилган янги истиқболли лойиҳаларнинг **техник-иктисодий асосларини** ишлаб чиқиш учун **10 миллиард сўм** қўшимча маблағ ажратсин. Бунда Иқтисодиёт ва молия вазирлигига мазкур қарордан келиб чиқадиган қўшимча харажатлар, шу

жумладан, тажриба-синов лойиҳалари учун 2025 йил Давлат бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобидан маблағлар ажратишга **рухсат берилади**.

9. Белгилансинки, 2026–2030 йилларда:

(а) иссиқлик қозонхоналари ва иссиқлик тизимларини замонавий технологиялар асосида модернизация ва реконструкция қилиш лойиҳалари учун халқаро молия институтларидан **257 миллион АҚШ доллари** жалб қилинади;

(б) ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **1,6 триллион сўм** ажратилади;

в) Жаҳон банкнинг Халқаро тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган **143 миллион АҚШ доллари** қарз маблағлари ўзлаштирилади;

(г) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни **мустаҳкам ва барқарор молиялаштириш мақсадида** халқаро молия институтларидан мақбул шартлардаги кредитлар, грантлар ва техник ёрдамларни жалб қилади.

10. Энергетика вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, “Ўзсувтаъминот” АЖ билан биргаликда иссиқлик таъминоти корхоналарининг **5-иловаға** мувофиқ **2025 йил 1 январь ҳолатига** мавжуд қарздорликларини кечиктириш, ҳисобланган пеня ва жарималарни **ҳисобдан чиқариш** чораларини кўрсин.

IV. Тартиб ва қоидалар

11. Белгилансинки, **2025 йил 1 июндан** бошлаб:

(а) **молиялаштириш манбаларидан қатъи назар** (бюджет, халқаро молия институтлари, давлат-хусусий шериклик, хусусий ва бошқа манбалар) қурилишда техник шартлар олиниши талаб қилинадиган бино-иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилишни лойиҳа-лашлатиришда ушбу объектларнинг лойиҳа ҳужжатларида биноларнинг ўз эҳтиёжлари учун **қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари** (қуёш панеллари ва шу кабилар) ва муқобил иссиқлик тизимлари (гелиоколлекторлар, иссиқлик насослари ва шу кабилар) ҳамда **энергия тежовчи ускуналарни мажбурий ўрнатиш талаби киритилади**;

(б) Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ушбу объектлардан **фойдаланишга рухсатнома беришда** кўрсатилган **ускуналарнинг ўрнатилигини** ҳамда уларнинг ташки ва том қисми **иссиқлик сакловчи материаллар билан қопланишини назорат қилади**;

(в) марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини қуриш ҳамда мавжудларини модернизация ва реконструкция қилиш бўйича **барча лойиҳаларда** ёпиқ иссиқлик таъминоти тизимини жорий этиш назарда тутилади;

(г) Жамият таркибидаги ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг иссиқлик таъминоти хизматлари учун нархлар (тарифлар) Идораларро тариф комиссияси томонидан тартибга солинади;

(д) кўп квартиралли уй-жойлар ва биноларнинг ички иссиқлик ва иссиқ сув тарқатувчи тизимларининг қурилиши, иншоотлар ва тар-

моқларда **ҳисоблагичларнинг тўлиқ ўрнатилиши** мажбурий ҳисобланади;

(е) иссиқлик таъминоти корхоналари тасарруфидаги қозонхоналарни **Жамиятнинг розилигисиз** бўш турган объект сифатида белгилаб, **электрон савдоларга чиқариш тақиқланади**;

(ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари **6-иловада** кўрсатилган вазифалар ижросига шахсан масъул этиб белгиланади ҳамда уларга марказлашган ва локал **иситиш тизимини йўлга қўйишда** қозонхоналар ва тармоқларни қуриш ва жойлаштириш учун талаб этиладиган **ер майдонларини худудий иссиқлик таъминоти корхоналарига ажратишга рухсат берилади**;

(з) ҳар йили ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида иссиқлик таъминоти соҳасига ажратиладиган маблағларнинг камида **10 фоизи энергия тежовчи ускуналарни ўрнатишга йўналтирилади**;

(и) қурилиш ва модернизация қилиш лойиҳалари амалга ошириладиган барча ижтимоий соҳа муассасаларида **мажбурий тартибда** доимий иссиқ сув билан таъминланадиган тежамкор **санитария-гигиена хоналари, қўл ювиш жойлари** ҳамда спорт залларида **душ қабул қилиш хоналари** техник жиҳатдан **фойдаланишга қулай** тарзда ташкил қилинади;

(к) қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида иссиқлик қозонхона қувватларини белгилашда ҳудуддаги барча кўп квартиралли уй-жойлар, ижтимоий соҳа муассасалари ва маъмурий бинолар ҳамда саноат ва хусусий секторларнинг тўлиқ қамраб олиниши назарда тутилади;

(л) **марказлашган иссиқлик таъминоти мавжуд ҳудудларда** янги қурилаётган кўп квартиралли уй-жойлар, маъмурий бинолар, ижтимоий соҳа муассасалари, саноат ва тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларининг иссиқлик тармоқларига **улиниши мажбурий ҳисобланади**.

V. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

12. Иқтисодиёт ва молия вазири (Ж. А. Қўчқоров):

(а) **икки ҳафта муддатда** Давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика штаби билан биргаликда 2025 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган ижтимоий соҳа муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини мазкур қарор талабларига мувофиқлаштирсин;

(б) **икки ой муддатда** энергия самарадорлик лойиҳаларининг лойиҳа топшириқлари ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, энергия аудит ўтказиш ва техник назоратни амалга ошириш, лойиҳалар доирасида ўрнатиладиган қурилма ва технологияларга техник хизмат кўрсатишни назорат қилиш учун **халқаро компания ва консўльтантлар жамоасини жалб этсин**;

(в) **ижтимоий соҳа муассасалари** ҳамда **кўп квартиралли уй-жойларнинг** энергия самарадорлигини ошириш лойиҳаларини барқарор ва кафолатланган молиялаштириш манбалари билан таъминлаш учун халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг қўшимча

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№21 (874) 2025 йил 18 март

грант ва кредитларини жалб қилиб борсин.

13. Уй-жой ҳамда бино-иншоотларни иссиқлик энергияси билан таъминлаш соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш **чора-тадбирлари режаси 7-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин.

14. Марказлашган иссиқлик таъминоти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш ишларини жадаллаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳи таркиби **8-иловаға** мувофиқ тасдиқлансин ва унга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

(а) иссиқлик таъминоти соҳасида энергия самарадор технологияларни жорий қилиш, қайта тикланадиган манбалардан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, хизматлар сифатини ошириш ва узлуқсизлигини таъминлаш, ҳисоб-китоб тизимини тартибга солиш ва операцияон самарадорликни ошириш орқали корхоналарнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, илғор хорижий тажрибалар асосида иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача самарали тизимни жорий этиш, тизимларда йўқотишларни камайтириш чораларини кўриш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

(б) биноларда энергия йўқотишларни камайтиришга қаратилган энергия самарадорлик дастур ва лойиҳалари амалга оширилишини мувофиқлаштириш, энергия самарадор биноларни қуриш бўйича қоида ва тартибларни ишлаб чиқиш, доимий такомиллаштириш ҳамда уларга риоя қилинишини назорат қилиш;

(в) соҳада **жозибадор инвестиция муҳитини яратиш**, давлат-хусусий шериклик тамойилларини кенг жорий қилиш, **хусусий инвестицияларни жалб қилиш** йўналишларини белгилаш;

(г) қарор билан кўзда тутилган дастур ва лойиҳаларнинг белгиланган муддатларда сифатли бажарилишини назорат қилиш, қарор ижросини мувофиқлаштириш.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **9-иловаға** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж. А. Қўчқоров ҳамда А. Ж. Раматов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Ш. С. Хидоятлов ва энергетика вазири Ж. Т. Мирзамахмудов белгилансин.

17. Қарор ижросини **назорат қилиш** Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2025 йил 11 март	

Қарор иловалари билан ушбу QR-код орқали танишишингиз мумкин



Лойиҳасиз қурилган уй зилзилабардош бўлолмайди

Шодибек МАТКАРИМОВ, Амурдарё тумани ФВБ кичик инспектори, сержант.

Халқимизда “Эскини ямаб, эсинг кетади”, – деган гап бежизга айтилмаганини ўзимиз яшаётган туманда бундан 50-60 йил аввал қурилган уйлар мисолида кўрапмиз.


Гап шундаки, бу жойларда истикомат қилаётган фуқаролар коммуникация тармоқлари талаб даражасида бўлмагани сабабли совуқ кунлар бошланиши билан вақтинчалик бошқа жойларга кўчиб кетишда ёки қўлбола иситтич ва электр кабелилардан ноқонуний фойдаланишдади. Охириги икки йиллик таҳлилларга кўра, ёнғин билан боғлиқ ҳолатларнинг асосий қисми ушбу ҳудуддаги аҳоли томонидан содир этилгани аниқланди.

Бундан ташқари, эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлган уйлар зилзилага ҳам бардош бераолмаслиги аниқ. Ўтган йил бошида 3-4 баллик зилзила бўлганда, маҳаллалардаги ўндан ортик хонадон қаторида икки қаватли уйлардан учтасининг деворлари ёрилиб кетгани фикримизнинг далилидир. Чунки улар ҳар қанча таъмирдан чиқарилмасин, барибир, замонавий кўп қаватли уйлар сингари талабга жавоб бера олмайди.

Бутунги кунда давлатимиз томонидан аҳолини ҳар томонлама қулай уй-жой билан таъминлаш масаласига алоҳида аҳамият қаратилиб, қанча маблағ зарур бўлса ажратилмоқда. Намунавий лойиҳалар бўйича антисейсмик чора-тадбирлар

этиборга олинапти. Шу билан бирга, маҳаллаларда бир қаватли хусусий уйлар қуриш ҳам кенг тарқалган. Мутахассислар тайёрлаган лойиҳа бўйича қурилган замонавий бинолар мустаҳкамлик ва зилзилабардошлик талабларига тўлиқ жавоб беради. Лойиҳасиз, қоидаларга амал қилмай қурилган уйлар зилзилабардошлик талабларига жавоб берамагани қандай оқибатларга олиб келишини юқоридagi мисолдан билиш мумкин.

Таассуфки, бундай уйлар тумanning Жумуртов, Акчақўл, Дарёбўйи каби кўплаб маҳаллаларида учрайди. Муддатини ўтаб бўлган ва лойиҳасиз қурилган уйлар тўғрисида фикр юритганимизнинг босиси, яқинда Президентимиз раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида эскирган уйлар ўрнида реновация асосида замонавий кўп қаватли турар жойларни кўпайтиришга эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди. Янги ва ҳар томонлама қулай шароитларга эга уйлар қанча кўп қурилса, нафақат одамларнинг дунёқараши ўзгаради, балки коммуникация тармоқлари орқали келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғин билан боғлиқ ҳолатлар барҳам топади, бу жойда



яшовчи аҳоли моддий ва маънавий зарар кўрмайди.

Объектларни қуриш билан боғлиқ яна бир муҳим масала, фойдаланишга топширилган уйларга эътирозлар кўпийгидир. Охириги икки йилда уй-жой қурилиши бўйича 5,5 мингдан зиёд қоидабузарликка йўл қўйилган, айрим пудратчилар томонидан лойиҳага зид равишда уйларга ортиқча 1-2 қават қўшиб қуриш ҳолатлари кузатилган. Бутунги кунда бу бўйича сифат назорати йўлга қўйилган бўлиб, туманимиз ҳудудларида ва “Янги Ўзбекистон” массивида қурилаётган кўп қаватли

объектларда ўтган йили олиб борилган назорат текшируви чоғида бир қанча камчиликлар аниқланди. Пудратчи ташкилот ҳамда қурувчилар огоҳлантирилиб, иккинчи объектдаги ишлар вақтинчалик тўхта-тилган эди. Айна пайтда бу жойлардаги ҳолат ўзгариб, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Белгиланган талабларга мувофиқ иш юритиб, халқимизнинг сифатли уйларга эга бўлиши, фаровон ҳаёт кечирishi учун бор кучимизни сарфляпмиз. Ўйлаймизки, қилинаётган эзгу ишлар бесамар кетмайди.

Ноқонуний ҳолат бартараф этилади

Кўпинча кўп қаватли уйлар эгалари ўз хонадонларини турли дизайнда таъмирлашади. Бузиш тақиқланган деворларни бузиб, уйнинг остки қисmini кавлашади. Бунда хавфсизлик қоидаларига амал қилинмайди. Сейсмик ҳолат инobatга олинмайди. Натижада кўп қаватли уйнинг асосий конструкцияларига шикаст етказилиб, бу уйда яшовчи фуқароларнинг ҳаётини хавф остига қўяди.

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган рейд тадбирлари давомида пойтахтимизнинг Сергели туманида ана шундай ноқонуний ҳолат аниқланди. Мулкдор томонидан кўп қаватли уйнинг остки қисми 2,5 метр чуқурликда қавланган. Бу эса уйнинг сейсмик барқарорлигини кескин равишда хавфга қўймоқда. Шу билан бирга уйнинг юк кўтарувчи конструкциялари бузилиб, ертўлага ноқонуний тартибда йўл очилган. Бу ҳаракатлар эса бионининг мустаҳкамлигини жиддий равишда заифлаштириб, бионининг исталган вақтда қўлаб тушишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳолат юзасидан инспекция томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, фуқарога кўрсатма берилди ва аввалги ҳолатга қайтариш тўғрисида кескин чоралар қўрилиши маълум қилинди. Агарда ушбу ҳолатда ёзма кўрсатмада белгиланган муддатда ноқонуний ҳаракатлар бартараф этилиб, бионининг бузилган қисми ўз кўринишига қайтарилмаса мажбурий тартибда бартараф этиш чоралари қўрилади. Ноқонуний ишлар нафақат моддий, балки фуқаролар ҳаёти учун ҳам катта хавф туғдиради. Ҳар қандай ноқонуний ҳамда ўзбошимчалик билан қилинган қўшимча харакатларга кескин равишда қонуний тартибда чора қўрилади.

Ўз мухбиримиз.

Чет элликларга ер хусусийлаштириб берилмайди

Бугунги кунга қадар республика бўйича 133 мингдан ортиқ объектда хатлов ишлари амалга оширилди. АОКАда ўтказилган брифингда Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъмат Атамуратов ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш юзасидан ўтказилаётган хатлов жараёнлари юзасидан маълумот берди.

Таъкидланишича, 2024 йилнинг 5 август куни “Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди ва 8 ноябрь санасидан расман қучга кирди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақлифига кўра, Кадастр агентлиги томонидан 2024-2025 йилларда хатлов қилинадиган маҳаллалар режа-графикаи ишлаб чиқилган ва шу асосида ишлар бошланган.

Хатлов бошланган кундан ҳозирги кунга қадар (3 март кунги ҳолатига) республика бўйича 133 мингдан ортиқ объектда хатлов ишлари амалга оширилди ҳамда 44 мингдан ортиқ объектлар “Эътироф” ахборот тизимига киритилди. Қонунга кўра, мазкур дастурга киритилган объектлар тегишли вазирлик ва идоралар томонидан 2 ой ичида кўриб чиқилмоқда.

– Қувонарлиси, “Эътироф” дастурига кирган дастлабки объектларга тегишли хулосалар бериш ишлари ҳам якунланиб, Республика бўйича 1600 дан ортиқ объектлар жамоатчиликка эълон қилинди, – деди Неъмат Атамуратов. – “Эътироф” ААТ барча учун очиқ платформа бўлиб, дастурдаги барча жараёнларни аҳоли кўриб, кузатиб бориши мумкин. Тасдиқланган режа-жадвал бўйича хатловдан ўтказилган маҳаллалар ҳамда эълонга чиқарилган ҳар бир объект тўғрисидаги маълумотлар ҳамда ушбу объектга тегишли давлат идоралари томонидан берилган ижобий ёки салбий хулосалар билан онлайн танишиш имконияти мавжуд. Бунинг учун etirof.kadastruz сайтига кириб, “Маълумотлар” бўлими танланади. Унда объектнинг кадастр рақами, манзили, тури, берилган хулосалар ҳақида маълумотлар мавжуд. Тегишли кўчмас мулкни танилаб, “Батафсил” тугмаси босиш орқали ушбу объектининг ер маълумотлари, харитаси ҳамда тегишли ташкилотлар томонидан берилган хулосалар билан танишиш мумкин.

Агар объектга бирор салбий хулоса берилган бўлса, дастур орқали салбий хулоса берган ташкилот ва у томонидан берилган ҳужжат билан тўлиқ танишиш мумкин. Шунингдек, Опе ID орқали рўйхатдан ўтиб, салбий хулоса берган ташкилотга ариза қолдириш имконияти ҳам яратилган. Ушбу ариза эса қонунга кўра 1 ой ичида кўриб чиқилиши белгиланган. Бугунги кунда ушбу хатлов ишларига 4 500 дан ортиқ кадастр ходимла-

ри жалб этилган ва улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам хатловни давом эттирмоқда. Аммо кадастр ходимлари хатловга борганда уй-жой эгаларининг уйда бўлмаслиги ҳамда уй-жойда яшовчи фуқаролар хатлов ишларини бажариш учун кадастр ходимларини уйга киритмаслиги сабаб кадастр ходимлари бир уйга бир неча маротаба такрор боришига, кўп вақт йўқотишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда тасдиқланган режа-жадвалда кечикишлар юзгага келмоқда.

Шу ўринда яна масалага тўхталиш лозим. Хусусан, сўнгги кунларда ижтимоий тармоқлар орқали “Юртимиз ерлари чет элликларга бериб юборилаётгани ёки сотилаётгани” ҳақида хабарлар кенг тарқалмоқда. Бу масалага Кадастр агентлиги томонидан расмий муносабат билдирилди.

Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) талаблари Ер кодекси билан белгиланган ҳамда унинг 17-моддасига мувофиқ, чет эллик фуқаролар ва юридик шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ер участкаларига фақат ИЖАРА ҲУҚУҚИ АСОСИДА эга бўлиши мумкин.

Кодексининг 24-моддасига мувофиқ, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ер участкалари ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ.

“Ҳўп, ижарага берсагу хусусийлаштириб олса-чи, унда нима қиламиз?” – деб ваҳимага тушишга ўрин йўқ. “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, чет эллик фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл юридик шахслари, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, шунингдек, давлат органлари, муассасалари, корхоналари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди, яъни чет элликларга ер хусусийлаштириб берилмайди.

“Ҳўш, агар қишлоқ хўжалиги ери бўлса-чи? Уни хусусийлаштириб оладими?” – деган саволлар ҳам учраятти. Қишлоқ хўжалиги ерларини ҳатто Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ҳам хусусийлаштириб ололмайди.

Шундай экан, ерларимиз чет эл фуқароларига бериб юборилган деган мазмундаги хабарлар асосиз ва охиригача ўрганилмасдан чиқарилган хабарлар.

Ўз мухбиримиз.

Фуқароларнинг даромадларини ошириш бўйича янги тадбирлар белгиланди

Бекжон ЖЎРАҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Жиззах вилоятида “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган янги тизим асосида аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг даромадларини ошириш чора-тадбирлари” мавзусида кўргазмали-амалий семинар ўтказилди.



Вилоят ва туманлар раҳбарлари, маҳалла раислари, масофавий таълим ва бошқа соҳа мутахассисларидан иборат 300 дан ортиқ иштирокичи қатнашган семинардан қўзланган асосий мақсад – янги тизимнинг самарали жорий этилишини таъминлаш, айниқса, оғир аҳволдаги 58 та маҳаллада намунали тажрибаларни яратиш орқали аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, даромадларни ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдан иборат.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Жиззах шаҳридаги Заргарлик маҳалласида амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Маҳаллада 4 та тўрт қаватли уйнинг фасад қисми базалт қопламаси билан қопланиб, инфратузилма объектлари, болалар ва спорт майдончалари қурилди. Бу ишлар учун 5 млрд сўм маблағ сарфланган. Шунингдек, 2025 йилда Жиззах шаҳридаги 117 та кўп қаватли уйни мукамал таъмирлаш, Маданият ва Тошлоқ маҳаллаларида 1 328



Аҳоли сифатли суюлтирилган газ билан таъминланмоқда

Бекзод АҲМАДҚУЛОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

“Тулистонтумангаз” газ таъминоти бўлими томонидан тумандаги 11 минг 923 нафар истеъмолчига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Уларнинг 11 минг 910 нафари аҳоли, 13 таси эса мактабгача таълим муассасалари ҳисобланади.

Хусусан, январь-февраль ойларида туманга 363 тонна газ ажратилган бўлиб, режага кўра 97 фоиз бажарилиб, аҳолига 350 тонна суюлтирилган газ етказиб берилди. Шунингдек, истеъмолчилар учун шартнома асосида 19 минг 422 та 50 литрли газ баллонлари вақтинчалик фойдаланишга берилган ва уларнинг техник ҳолати мунтазам назорат қилинмоқда.

Булардан ташқари, суюлтирилган

газ етказиб бериш учун 3 та махсус ИСУЗУ русумли юк машинаси хизмат қилмоқда. Шунингдек, 1 нафар мутахассис ва 6 нафар ходим аҳолига газ таъминоти бўйича хизмат кўрсатиш билан бирга, хавфсизлик қоидалари бўйича тушунтириш ишларини ҳам олиб бора-япти.

2025 йил бошидан бўён бўлимга суюлтирилган газ бўйича 9 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 8



хонадонли эски уйлар ўрнига замонавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳа Хитойнинг “PENG CHENG TOUZI” МЧЖ томонидан 420 млн АҚШ доллари инвестиция хисоби-га амалга оширилади. Булардан ташқари, Жиззах шаҳридаги Ўратепалик маҳалласида тун-у кун фаолият кўрсатадиган савдо, кўнгилочар ва гастрономик кўча ташкил этилади. Бу лойиҳа орқали 21 та янги объект барпо этилиб, 35 та иш ўрни ва 529 млн сўм солиқ тушуми таъминланади.

Семинар иштирокчилари Зафаробод туманидаги Бирлик маҳалласида “Бир контур – бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёни билан ҳам яқиндан танишдилар. Маҳаллада аҳоли томорқаларига сув чиқариш лойиҳаси ишга туширилган. “Зафаробод бир-

лик томорқа хизмати” МЧЖнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш, сақлаш ва реализация қилиш йиллик қуввати 1,0 минг тоннани ташкил этади. Ҳудди шундай тизим вилоятнинг 81 та маҳалласида 36 та компания иштирокида жорий этилиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, семинар давомида иштирокчилар Қўлиғулистон маҳалласида бўлиб, “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари асосида амалга оширилган ободонлаштириш ишларини ҳам кўздан кечиридилар. Маҳаллада “Яшил макон” лойиҳаси доирасида иштирокчилар томонидан дарахт қўчатлари экилди. Томорқа ерларидан самарали фойдаланиш, картошка, помидор ва кўкат маҳсулотлари етиштириш тажрибалари ўрганилди.

Бир сўз билан айтганда, семинарда янги тизимнинг амалий натижалари ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди. Аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланишини таъминлаш, даромадларни ошириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тақлифлар ўртага ташланиб, муҳокама қилинди. Бу ишлар нафақат вилоят, балки республика миқёсида иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиши кўзда тутилганини эса унинг қамрови кенглигидан далолатдир.



таси ижобий ҳал этилган, 1 тасига эса ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Бир сўз билан айтганда, аҳолининг

узлуксиз ва хавфсиз газ билан таъминланиши “Тулистонтумангаз” бўлими томонидан изчил давом эттирилмоқда.

Шаг к совместным достижениям в сфере науки и образования

Рискун БЯМИРОВА, ассоциированный профессор Каспийского университета технологий и инжиниринга имени Ш. Есенова.
Одилжон ХАЙИТОВ, доктор геолого-минералогических наук, профессор, ТашГТУ, академик МАИИ.
Айдос ЖУМАГУЛОВ, старший преподаватель кафедры Геология месторождений полезных ископаемых, поиски и разведка.

В 2024 году было подписано соглашение о сотрудничестве между Каспийским университетом технологий и инжиниринга имени Ш. Есенова (Республика Казахстан, г. Актау) и Ташкентским государственным техническим университетом имени Ислама Каримова. Этот важный шаг откроет новые горизонты для научного и образовательного взаимодействия, а также даст возможность для укрепления позиций обеих сторон на международной арене.

Основные направления сотрудничества включают обмен знаниями и опытом в таких областях, как нефтегазовые технологии, инженерия, информационные технологии и устойчивое

развитие. Соглашение предусматривает создание совместных образовательных программ, включая магистратуру и аспирантуру, а также возможность для студентов и преподавателей участвовать в обменных программах и стажировках.

Особое внимание будет уделено развитию научных исследований, которые помогут внедрить инновации в промышленность и повысить квалификацию специалистов. Сотрудничество между Каспийским университетом технологий и инжиниринга имени Ш. Есенова и Ташкентским государственным техническим университетом имени Ислама Каримова также будет способствовать реализации совместных исследовательских проектов и лабораторных исследований.

Каспийский университет технологий и инжиниринга имени Ш. Есенова (КУТИ) был основан в 1976 году, и на протяжении своей истории стал важным образовательным и научным центром Мангистауского региона Республики Казахстан. Университет готовит специалистов для нефтегазовой отрасли, машиностроения, экологии, строительства и других сфер, имеющих важное значение для экономики Казахстана. Он имеет современные факультеты и аккредитованные образовательные программы, а также активно развивает научные исследования и проектную деятельность. Особое внимание уделяется подготовке кадров для энергетического и нефтяного секторов Западного Казахстана.

Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова (ТГТУ) – один из ведущих вузов Узбекистана, основанный в 1918 году. Университет подготовил тысячи специалистов для различных отраслей, вклю-

чая горное дело, нефтегазовую, машиностроительную и информационные технологии. ТГТУ активно развивает научно-исследовательскую деятельность и внедряет инновационные образовательные методики, ориентируясь на международные стандарты. Университет также уделяет внимание академической мобильности и сотрудничеству с зарубежными учебными заведениями.

Руководство ТГТУ и КУТИ имени Ш. Есенова уверены, что данный меморандум откроет новые возможности для академической мобильности и окажет значительное влияние на развитие образования и науки в Узбекистане и Казахстане. В дальнейшем стороны намерены расширять масштаб сотрудничества, активно вовлекая студентов и преподавателей в международные проекты и конференции.

Подписание данного соглашения является значимым шагом в интеграции университетов Узбекистана и Казахстана в мировое образовательное и научное сообщество, а также в подготовке высококвалифицированных специалистов, готовых к работе в условиях глобализации и технологических изменений.

В рамках меморандума преподаватели кафедр “Нефтехимический инжиниринг” факультета “Инжиниринг” КУТИ имени Ш. Есенова во главе с деканом Гусмановой А.Г. провели занятия по специальным дисциплинам специальности “Разработка, эксплуатация нефтяных и газовых месторождений”. Также профессорско-преподавательский состав прошли стажировку по направлению “Инновационные технологии в современном образовании и науке в сфере “Торное

дело”. ППС активно участвовал в обмене опытом и методиками преподавания, что способствует повышению качества образовательного процесса. Программа повышения квалификации включала современные тренды в области горное дело и нефтегазовой отрасли, что позволило преподавателям внедрить актуальные знания в учебный процесс. Этот опыт содействует укреплению академических связей и научного обмена между учебными заведениями, что положительно влияет на дальнейшее сотрудничество и развитие образовательных программ.

В рамках повышения квалификации преподаватели познакомились с последними тенденциями и инновациями в нефтехимической отрасли, что позволило им интегрировать новые подходы в учебный процесс и актуализировать содержание учебных дисциплин. Стажировка дала возможность обменяться опытом с зарубежными коллегами и укрепить международное сотрудничество в области образования и науки.

Этот опыт не только способствует повышению профессиональных компетенций преподавателей, но и усиливает академические связи между университетами, что в дальнейшем влияет на качество образования, развитие совместных научных исследований и укрепление партнерства между учебными заведениями. Сотрудничество в рамках меморандума открывает новые горизонты для студентов, преподавателей и научных сотрудников, стимулируя инновации и улучшение образовательного процесса.

Также хотелось бы выразить огромную благодарность профессору Хайитову Одилжону Гафуровичу, доктору геолого-минералогических

наук, профессору Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова, заведующему кафедрой “Торное дело”, (г. Ташкент, Узбекистан). Одилжон Гафурович является членом диссертационного Совета по группе специальностей: 8D07208 - Геология и разведка месторождений полезных ископаемых, 8D07210 - Нефтегазовое дело при Каспийском университете технологии и инжиниринга имени Ш. Есенова.

Выражаем искреннюю благодарность профессору Одилжону Гафуровичу за активную роль в организации подписания меморандума о сотрудничестве и проведении всех мероприятий, связанных с этим важным шагом. Благодаря его усилиям, профессионализму и приверженности делу, удалось наладить плодотворное сотрудничество между нашими университетами. Также хотим выразить глубокую признательность руководству Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (ТГТУ) за поддержку и содействие в реализации данного меморандума. Их стремление развивать международное партнерство и образование является залогом дальнейших успехов в нашей совместной работе.

Подписание меморандума и реализация совместных инициатив стали важным шагом в развитии академического сотрудничества и научных исследований. Это сотрудничество не только расширяет горизонты для студентов и преподавателей, но и способствует внедрению новых образовательных и научных практик. Мы уверены, что оно станет основой для долгосрочного взаимодействия и укрепления связей между нашими университетами.

Оролбўйида оммавий спорт ривожланмоқда

Нигора НОЗИМЖОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Кейинги йилларда мамлакатимизда 101 та йирик спорт иншоотлари қурилиб, 67 таси реконструкция қилинган. Таққослаш учун айтиш керакки, охирги 4 йилда спорт соҳасига ажратилаётган маблаг ҳажми икки барбарга ошган. Давлатимиз раҳбари жорий йил февраль ойида Олимпия ва параолимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чиқишга бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам спорт соғлом халқ, соғлом авлоднинг таянч устунни эканини алоҳида таъкидлаган эди.



Париж олимпиадаси иштирокчиси, Нукус олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийси Шаҳзода Ибрагимова

Спортни ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар ижроси бўйича Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Нукусда қурилганига 50 йилдан ошган ва сўнгги бор қарийб 16 йил аввал ре-

конструкция қилинган “Ту-рон” футбол стадиони бугунги кун талабларига ҳам маънан, ҳам моддий жавоб бермай қўйганди. Сўнгги пайтларда бу ердан ўтаётган ўйинлар кайфиятсизликка, миллионлар ўйини бўлган футбол ишқибозларини хурсанд қилмай қўйганди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан эндиликда ана шу стадион тамомила замонавий лойиҳалар асосида реконструкция қилинмоқда. Тез орада бу ерда ФИФА даражасидаги сўнгги стандартларга мос футбол майдони, футбол мактаби, футбол платформаси қад кўтарadi.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 апрелдаги “Оммавий ва профессионал футболни ҳар томонлама ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан мазкур ўйингоҳни жаҳон стандартларига жавоб берадиган мажмуага айлантириш мақсадида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари бошланиб, у

бу ишлар учун 107 млрд сўм маблаг ажратилган. – Мажмуа тўлиқ реконструкциядан чиққандан сўнг ФИФА стандартларига мос келадиган стадион сифатида ўз фаолиятини бошлайди, – деди Қо-



рақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Азамат Ўразимбетов. – Бу мажмуага яна қўшимча равишда иккита футбол майдончаси барпо этилади, улар футбол мактаби ўқувчилари учун мўлжалланган бўлади. Томошабинларга қулай бўлиши учун ўриндиқлар ва минбарлар замонавий усулда барпо этилиб, сифатли қурилиш материаллари асосида махсус қопламалар билан ёпилади.

Реконструкция давомида асосий футбол майдонига қўшимча иккита футбол майдони, 154 ўринли ётоқхона, ўқув хоналари, ошхона, кутубхона, фитнес ва спорт заллари, аҳолига хизмат кўрсатиш жойлари, автомашиналар учун тураргоҳлар қуриш белгиланган. Бу орқали стадионни футболга ихтисослаштирилган спорт мажмуасига айлантириш режалаштириляпти. Реконструкция якунланганидан сўнг стадион ҳудудига Қорақалпоғистон Республикаси футбол

академияси қўчирилади. Бу имкониятлар академия тарбияланувчилари учун замонавий ва қулай шароитларни яратишга хизмат қилади. Мазкур академия миллий терма жамоа таркибига асосий захира тайёрлайдиган масканлардан бири бўлади.

Янгиланган стадион нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистон футбол ривожини учун муҳим кадам бўлиши кутилмоқда. Нукусда қад ростлаётган қураш мактабини бели ерга тегмаган алп полвонлар узоқ кутишганди. Мазкур мактаб қурилиши 14 миллиард 250 миллион сўм қийматидаги катта лойиҳа ҳисобланади. Президент ташаббуси билан барпо этилаётган яна бир маскан – гимнастика спорт турларига тайёрлов мактаб интернати. Бу ерда қурилиш ишларининг 50 фоиздан ортиқ ҳажми бажарилди.

– Охирги йилларда Президентимиз Қорақалпоғистонда қўлаб ижтимоий йўналишлар қатори спорт соҳасига ҳам

катта эътибор қаратиб келмоқда, – деди Қорақалпоғистон Республикаси спорт вазири Одилбек Алланазаров. – Бунинг натижасида катта спорт мажмуалари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Давлат раҳбарининг соҳага қаратаётган юксак эътибори ва ишончини оқлаб, жаҳон ареналарида ғалабаларга эришиб, медаллар шодаси ила мамлакат байроғини кўкларга кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Шу кунларда қорақалпоқ гимнастикачилари баҳорнинг қутлуғ келганини яна бир бора ҳис қилишяпти. Келажакда улкан кўрсаткичларни қайд этишни ният қилган кизларни ёш мураббий, Париж олимпиадаси иштирокчиси Шаҳзода Ибрагимова Президентимиз қарорига қўра, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Спортчилар учун бундай хабарлар келгуси катта зафарлар, дунё узра юрт байроғини хил-пиратишга ишонч, юксак мотивация ҳисобланади.

ШВЕЙЦАРИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР САМАРҚАНДДА

Ҳамза ШУКУРОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Самарқандга Швейцария Конфедерацияси томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилишини баҳолаш ва Ўзбекистон билан келгусида ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганиш мақсадида махсус делегация ташриф буюрди.

Меҳмонлар қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш ташаббуслари, сув секторида рақамли трансформация жараёнлари ҳамда агро саноат мажмуини бошқариш моделларини таҳлил қилишни режалаштиришган. Делегация аъзолари Каттақўрғон тумани Омонқалхат маҳалласида амалга оширилаётган муҳим лойиҳалардан бири – ижтимоий буюртма асо-

сида ичимлик суви иншооти қурилиш жараёни билан танишдилар.

Буниншоот давлат ижтимоий буюртмаси дастури доирасида ташкил этилган бўлиб, маҳаллада яшовчи 800 дан ортиқ хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Швейцариялик мутахассислар мазкур объектининг техник имкониятлари ва ишлаш самарадорлигини ўрганиб, сув

ресурсларини тежаш, тармоқларни рақамлаштириш ҳамда келгусида қўшимча лойиҳаларни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилишди.

Ушбу ташриф нафақат амалга оширилаётган лойиҳаларни баҳолаш, балки келгусидаги ҳамкорликлар юзасидан янги имкониятларни муҳокама қилиш учун муҳим кадам бўлди, дейиш мумкин.



ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МҶБОРАК БЎЛСИН!

2025 йил март ойининг 18-20 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги котибати етакчи мутахассиси **Нигора Абдугафарова**, ҳайдовчи **Фасихиддин Далев**,

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти норматив ҳужжатларни тизимлаштириш ва атамалар бўлими **Дониёр Жўраев**,

“Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти” ДМ бош мутахассиси **Анвар Бабаев**,

“O‘zshaharsozlik LITI” ДМ Архитектура-қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш бошқармаси 4-устахонаси архитекторлари **Вакил Галаутдинов**, **Шахло Набиева**,

Андижон вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси слесарь-сантехники **Алишер Ғуламов**, Хўжалик ҳисобидаги давлат хизматларини кўрсатиш бўлими АРТ мутахассиси **Эргашжон Набиев**,

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳайдовчиси **Равшан Раҳматуллаев**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Жасурбек Ғаниев**, Қўқдала тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Фахриддин Умаров**,

Сурхондарё вилояти Музработ туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Одилжон Турдиев**,

Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси диспетчери **Аҳмадбек Юсубжанов**,

Фарғона вилояти Фарғона шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Зумрадхон Мамунова**,

Хоразм вилояти Хива шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Одамбай Қутлимуратов**,

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “Омад Мурувват” БСК МЧЖ бош директори **Гулсара Шакирова**,

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Чирчиқ тезкор хизмат” БСК МЧЖ бош директори **Мирожиддин Тўхтаматов**,

Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Poytaxt Grand Stroy” БСК МЧЖ бош директори **Ҳабиб Бўриев**, Учтепа туманидаги “Comfort Uyim” БСК МЧЖ бош директори **Ҳабибулла Нигманов**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Саёҳат-коммунал” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Олег Панов**ларни таваллуд қуни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!



ЎТТМОЙ-ЎТТМОЙ GAZETA
O‘ZBEKISTON
BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Шерзод Хидоятлов,
(Тахрир хайъати раиси),
Давронжон Адиллов,
Тоир Алиматов,
Озода Жўраева,
Сирожиддин Эшқувватов,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магруппов,
Бобир Элмуродов,
Илҳом Аҳмедов.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир	Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари	Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи	Акмал Маккамов
Мусакхх	Марҳамат Мусулмонкулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори”
Нашриёт уйи МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”
уюшмаси, “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК,
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
Телефонлар:
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

ХУДУДЛАРДАГИ
МУХБИРЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-658-50-43.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Намандарё вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г- 341.
2091 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоиси қилинган
нардда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта
қулган қўлёмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга
қайтарилимайди.
Газета таҳририят компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

КОРХОНА МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
Р. Хўжаева.
Навбатчи –
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни –
Тошпирилди – 22.25.